

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖАРРОҲЛИК
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖАРРОҲЛИК
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАЮМОВ АРАББЕК РАВШАНОВИЧ

**АОРТАЛ НУҚСОНЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА, ЮҚОРИГА
КЎТАРИЛУВЧИ АОРТАНИ ЭКЗОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.34– Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Каюмов Араббек Равшанович

Аортал нуқсонларини хирургик даволашда, юқорига кўтарилиб
аортани экзопротезлаш..... 3

Каюмов Араббек Равшанович

Экзопротезирование восходящего отдела аорты при хирургическом
лечении пороков аортального клапана..... 27

Kayumov Arabbek Ravshanovich

Exoprostheses of the ascending aorta in the surgical treatment of aortic
valve defects..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖАРРОҲЛИК
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖАРРОҲЛИК
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

КАЮМОВ АРАББЕК РАВШАНОВИЧ

**АОРТАЛ НУҚСОНЛАРИНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА, ЮҚОРИГА
КЎТАРИЛУВЧИ АОРТАНИ ЭКЗОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.34– Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib795 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.rscs.uz) ва «Ziynet» Ахборот -таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Шерзод Махмудович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Скопин Иван Иванович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Асамов Равшан Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

**«Республика Ихтисослашган кардиология
илмий – амалий тиббиёт маркази» ДМ**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент, Кичик ҳалқа йўли кўчаси 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (163- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил “__” _____ даги _____ рақамли тарқатиш реестри баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Аортал клапан (АК) нуқсонларининг аорта аневризмаси (АА) билан биргаликда келиши тўсатдан содир бўладиган юрак ўлимининг сабаблари орасида етакчи ўринни эгаллайди. «Ушбу патологиянинг тарқалиши йилига 100000 кишига 5-10 ҳолатни ташкил қилади»¹. Беморларнинг беш йиллик ўлим кўрсаткичи 36% ни ташкил қилади. Анатомик жойлашувига кўра энг кенг тарқалгани – аорта илдизи ва юқорига кўтарилувчи аорта (ЮКА) аневризмалари ($\approx 60\%$), ундан кейин эса пастга тушувчи аорта ($\approx 35\%$) ва аорта равоғи аневризмалари ($<10\%$) ҳисобланади. Кўкрак аортаси аневризмасини даволаш – замонавий кардиология ва юрак-қон томир хирургиясининг энг мураккаб ва долзарб масалаларидан бири бўлиб, дунё адабиёти маълумотларига кўра, АК ва ЮКА аневризмалари хирургияси барча орттирилган юрак нуқсонларининг 8-12% ни ташкил қилади. АК ва аорта аневризмалари патологияси реконструктив хирургиясининг фаол ривожланиши “ушбу патологияни даволашда сезиларли муваффақиятларга эришишга олиб келди”². Ҳал қилинмаган масалалар орасида энг муҳими – хирургик аралашув усулини танлашдир. Ушбу йўналишда, аортал стеноз ва ЮКА аневризмаларининг постстенотик кенгайишини хирургик даволашга ягона, объектив ёндашувни ишлаб чиқиш, шунингдек операциянинг радикаллигини сақлаб қолишда хирургик аралашув ҳажми ва травматизациясини камайтиришни кўзда тутувчи техник жиҳатларни такомиллаштириш илмий ва амалий соғлиқни сақлаш учун долзарб ҳисобланади.

Дунё амалиётида ҳозирги вақтда генетик баҳолаш, оилавий скрининг ва аортал касалликлар билан оғриган беморларни узоқ муддатли кузатишга асосланган тадқиқотлар ўта долзарблигича қолмоқда, қўштавақали аортал клапанни эрта скрининг қилиш ва диагностикасини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда, чунки ушбу юрак нуқсонлари билан оғриган беморларнинг аксарияти касалликнинг сўнгги босқичида аортал стеноз, аортал регургитация, эндокардит ва юрак дисфункцияси каби айрим асоратлардан азият чекади, фокал заифлашув ва ёрилишга олиб келадиган омилларни ўрганиш учун кўкрак аортаси аневризмасининг биомеханик тадқиқотлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, ушбу тадқиқотлар кўкрак аортаси аневризмаси ривожланиши ва ёрилишини прогнозлашни яхшилашга олиб келади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари аорта аневризмаларида консерватив ва хирургик даволаш ҳамда профилактиканинг илғор технологияларини жорий этиш орқали юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш

¹Isselbacher EM, Preventza O, et al. 2022 ACC/AHA Guideline for the Diagnosis and Management of Aortic Disease: A Report of the American Heart Association/American College of Cardiology Joint Committee on Clinical Practice Guidelines. Circulation. 2022 Dec 13;146(24):e334-e482. doi: 10.1161/CIR.0000000000001106.

²Kim MS, Kim JH, Lee SH, Lee S, Youn YN, Yoo KJ, Joo HC. Long-term Fate of Dilated Ascending Aorta after Aortic Valve Replacement for Bicuspid Versus Tricuspid Aortic Valve Disease. AmJCardiol. 2020 Aug 15;129:53-59. doi: 10.1016/j.amjcard.2020.05.026.

натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу йўналишда, хусусан, юқорига кўтарилувчи аортанинг ўртача кенгайиши билан аортал нуқсонлари бўлган беморларни операциядан олдинги тайёргарлик сифати ва хавфсиз хирургик тактика усуллари яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, аортал нуқсони бор беморларда оптимал диагностика ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўкрак аортаси аневризмаси билан касалланган беморлар аҳолининг оғирлиги АК патологияси, хусусан, қўштавақали АК ва унинг дегенератив зарарланишлари мавжуд бўлганда оғирлашади. Диаметри 5 см дан ошадиган ЮКА аневризмалари учун беш йиллик яшовчанлик даражаси 40% дан камни, ёрилиш ва ўткир қатламларга ажралиш частотаси эса 6,9% ни ташкил этади. Steinbrecher KL, A.C. Braverman ва ҳаммуал. (2022) тадқиқотлари шуни кўрсатадики, “диаметри 5 см гача кенгайган кўкрак аортаси аневризмаси ҳолатларида ёрилиш ёки дисекциянинг ўртача частотаси йилига 2% гача, диаметри 5,0-5,9 см бўлганларида – 3% ва 6,0 см ва ундан ортиқ аневризмаларда – йилига 7% ни ташкил қилади”. Шунингдек, муаллифлар томонидан бемор жинси ва тана юзасининг майдони кўкрак аортаси аневризмалари асоратларини прогноزلашда ҳам предикторлар бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини аниқлаганлар⁴. Ҳозирги вақтда АК нуқсонлари, ЮКА аневризмаси ва постстенотик кенгайишини хирургик

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁴SteinbrecherKL, MarquisKM, BravermanAC, OhmanJW, BhallaS, LinCY, NaeemM, RaptisCA. Imaging of Genetic Thoracic Aortopathy. Radiographics. 2022 Sep-Oct;42(5):1283-1302. doi: 10.1148/rg.220033.

коррекциялаш учун жарроҳлик усулларининг катта арсенали мавжуд: клапан сақловчи кондуит билан алмаштириш, торакал аорта аневризмасини ўраб олиш, АК ни ва ЮКА ни алоҳида протезлаш. Супракоронар протезлаш операцияси етарли даражада яхши натижалар намоёиш этишига қарамай, кўпинча аорта аневризмалари кекса ва катта ёшдаги беморларда ривожланишини унутмаслик керак⁵. Ушбу омиллар сунъий қон айланиши ва кардиоплегиядан фойдаланган ҳолда хирургик усулда даволаш натижаларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун операциядан кейинги даврни ва яшовчанликни яхшилашда операциянинг радикаллигини сақлаган ҳолда оператив аралашувнинг ҳажми ва травматизациясини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазиятдан чиқиш йўли бўлиб сунъий қон айланиши ва аорта окклюзияси вақтини қисқартириш ҳисобига хирургик травмани камайтирадиган технологиялар хизмат қилиши мумкин. ЮКА аневризмасини экзопротезлаш техникаси, Лаплас қонунига мувофиқ, аортада солиштирма босимни камайтириши ва шу билан унинг янада кенгайиши ва ёрилишини олдини олишга имкон беради.

Халқаро консенсус ва аорта патологиясини диагностика қилиш ва даволаш бўйича тавсияларга кўра, кўкрак аортаси аневризмаси мавжуд беморларни даволаш тактикаси кенгайиш ўлчами/диаметрига боғлиқ бўлади ва аневризмани бартараф этишда аневризма ёрилиш хавфи ва операциядан кейинги ўлим ҳолатлари ўртасидаги ўзаро мувозанатни ифодалайди⁶. Ушбу жиҳатдан, аортанинг постстенотик дилатацияси туфайли АК протезлаш (АКП) ва ЮКА ни протезлашни бир вақтда амалга оширишнинг прогностик оқибатлари ва хирургик хавфларини баҳолашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар маълум. Масалан, Park S.J. ва ҳаммуал. (2019) маълумотларига кўра, шунга ўхшаш ҳолатларда “операциядан кейинги эрта ўлим ҳолати хавфи ошмаган ва кечиктирилган ўлим хавфига узоқ муддатли ижобий таъсир кўрсатиш тенденцияси аниқланган”⁷. Yalcin M. ва ҳаммуал. (2016) томонидан ўтказилган бошқа тадқиқотда муаллифлар ЮКА аневризмаси бўйича операция қилинган беморларда бажариладиган ҳамроҳ операция ўлим предиктори бўлиши мумкинлигини аниқлашга ҳаракат қилиб, шундай хулосага келганлар: “ЮКА ни протезлаш АКП да ўлим хавфини 2,25 марта, АКШ да 4,5 марта, АКП ва АКШ биргаликда амалга оширилганда 10,8 марта оширади ҳамда дастлабки диаметри 45 мм дан ортиқ бўлган ЮКА ни изоляцияланган протезлаш билан таққослаганда ўлим хавфи Бенталл операциясида 4 марта оширади, бироқ ўртадаги фарқ статистик жиҳатдан унчалик аҳамиятли эмас”⁸. Бироқ, ушбу техниканинг ўз тарафдорлари ва унга қаршилар ҳам бор, дакрон протезни кесиш ва тикиш унинг эластиклигининг йўқолишига олиб келади, бу эса икки куч: чўзилиш ва ички қон босимга

⁵Yousef S, Singh S, Alkukhun A, Alturkmani B, Mori M, Chen J, Mullan CW, Brooks CW, Assi R, Gruber PJ, Cortopassi I, Geirsson A, Vallabhajosyula P. Variants of the aortic arch in adult general population and their association with thoracic aortic aneurysm disease. J Card Surg. 2021 Jul;36(7):2348-2354. doi: 10.1111/jocs.15563.

⁶Faiza Z, Sharman T. Thoracic Aorta Aneurysm. Treasure Island (FL): StatPearls Publishing; 2021 Jun 29.

⁷Park SJ, Lee JH, Chung ES. Bentall Operation in a Patient with a UnicommissuralUnicuspid Aortic Valve. Korean J Thorac Cardiovasc Surg. 2019 Oct;52(5):368-371. doi: 10.5090/kjtcs.2019.52.5.368.

⁸Yalcin M, Tayfur KD, Urkmez M. Should patients undergo ascending aortic replacement with concomitant cardiac surgery? Cardiovasc J Afr. 2016 Nov/Dec 23;27(6):338-344. doi: 10.5830/CVJA-2016-026.

қаршилик ҳаракатлари ўртасида жойлашган аорта деворининг компрессиясига олиб келиши мумкин⁹. Икки тавақали аортал клапаннинг анатомияси тахминан 50% беморларда ЮКА аневризмаси билан боғлиқ ва аорта дилатацияси билан оғир шаклдаги аортал регургитацияга олиб келиши мумкин. Иккала касалликни ҳам клапанни тиклаш ва аорта илдизини ремоделлаштириш орқали даволаш мумкин¹⁰. Аорта илдизини ремоделлаштириш аорта регургитацияси (АР) ва илдиз аневризмаси билан касалланган беморларни даволашда клапанни сақлаган ҳолда илдизни протезлаш шаклларида бири ҳисобланади. Miyahara S. ва ҳаммуал. (2020) ушбу усулдан бириктирувчи тўқима касаллиги бўлган ва бўлмаган, шунингдек, турли морфологияли аортал нуқсонлар бўлган беморларда фойдаланганлар¹¹. Fan J.D. ва ҳаммуал. фикрича, Давид I операцияси каби Бенталл операцияси ҳам аорта илдизи касалликларини аортал етишмовчилик касалликлари билан биргаликда даволашда қисқа ва узоқ муддатли яхши самарага эга деб ҳисоблайдилар, бироқ Давид I операцияси камроқ даражада узоқ муддатли асоратларга эга¹².

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аорта дисекцияси ва ёрилиши ривожланиши хавфи юқори бўлган аортал нуқсонларни хирургик даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ҳал қилинмаган бўлиб, бугунги кунда кардиохирургиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. ЮКА кенгайишли АК нуқсонлари хирургияси муаммосига бағишланган кўплаб хирургик даволаш усуллари ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Шунга қарамадан, ушбу патологияни хирургик коррекциялашга ягона ёндашув мавжуд эмас. Ушбу йўналишда операциянинг радикаллигини сақлаган ҳолда хирургик аралашув ҳажми ва травматизациясини камайтириш катта роль ўйнайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аортал клапан нуқсонлари ва юқорига кўтарилувчан аортанинг ўртача постстенотик кенгайиши (50 мм гача) бўлган беморларни оптимал тактика ва жарроҳлик коррекция усуллари ишлаб чиқиш йўли билан жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

⁹Kim MS, Kim JH, Lee SH, Lee S, Youn YN, Yoo KJ, Joo HC. Long-term Fate of Dilated Ascending Aorta after Aortic Valve Replacement for Bicuspid Versus Tricuspid Aortic Valve Disease. Am J Cardiol. 2020 Aug 15;129:53-59. doi: 10.1016/j.amjcard.2020.05.026.

¹⁰Schneider U, Feldner SK, Hofmann C, Schöpe J, Wagenpfeil S, Giebels C, Schäfers HJ. Two decades of experience with root remodeling and valve repair for bicuspid aortic valves. J ThoracCardiovasc Surg. 2017 Apr;153(4):S65-S71. doi: 10.1016/j.jtcvs.2016.12.030.

¹¹Miyahara S, Karlova I, Giebels C, Schneider U, Matsushima S, Schäfers HJ. Aortic root remodeling in bicuspid and tricuspid aortic valves-long-term results. Indian J ThoracCardiovasc Surg. 2020 Jan;36(Suppl 1):81-87. doi: 10.1007/s12055-019-00798-y.

¹²Fan JD, Shu YS, Zhou XM, Yuan ZS, Liao XB, Shi WP, Yang M. Effects of David I operation in the treatment of aortic root disease combined with aortic insufficiency. Minerva Chir. 2018 Feb;73(1):36-40. doi: 10.23736/S0026-4733.17.07293-5.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аортал клапанни алмаштириш билан биргаликда юқорига кўтарилувчи аортани чизикли протезлаш ва экзопротезлаш натижаларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш;

аортал клапан нуқсони ва юқорига кўтарилувчи аортанинг кенгайиши мавжуд бўлган беморларда ЮКА нинг таркибий ва функционал ўзгаришларини АК ни изоляцияланган протезлаш билан қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

аортал клапан нуқсонлари ва юқорига кўтарилувчи аортанинг постстенотик кенгайиши сабабли бажарилган турли операциялардан кейин синус ва ЮКА диаметрларининг ортишига, такрорий операциялар частотаси ҳамда ўлим ҳолатларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;

аортал клапанда ва юқорига кўтарилувчи аортада амалга оширилган хирургик аралашувлардан кейин такрорий операциялардан ва яшовчанликдан эркинлик кўрсаткичларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасида юқорига кўтарилувчи аорта диаметрининг 40 дан 50 мм гача кенгайиши ҳамроҳ бўлган аорта клапани нуқсони туфайли ташрих амалиёти ўтказилган 187 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети аортал клапан нуқсонлари ва юқорига кўтарилувчи аортанинг постстенотик кенгайишида юқорига кўтарилувчи аортани барқарорлаштиришнинг турли усуллари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аортал клапанни протезлашдан кейин чап қоринчанинг бошланғич функционал кўрсаткичлари, аралашув ҳажми ва аортал клапандаги босим градиенти динамик ўзгаришларига боғлиқ ҳолда юқорига кўтарилувчи аортанинг аневризматик кенгайиши ривожланишининг патогномоник хусусиятлари аниқланган;

ноқулай кардиоген ва неврологик ҳодисаларнинг ривожланиш хавфини, шунингдек, аортал клапанни протезлаш ҳамда кўтарилувчи аортани коррекциялашнинг турли хил вариантларидан кейинги ўлим ҳолатини оширувчи специфик омиллар аниқланган;

кўтарилувчи аортани экзопротезлашни аортал клапанни протезлаш билан бирга амалга ошириш такрорий операциядан эркинлик ҳамда яшовчанликнинг беш йиллик кўрсаткичларининг прогностик жиҳатдан аҳамиятли даражада ортиб бориши билан тавсифланиши исботланган;

бошланғич клиник ва функционал кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда аортал нуқсон ва кўтарилувчи аортанинг чегаравий кенгайиши билан касалланган беморларни даволашнинг оптимал стратегиясини аниқлашга

бўлган ёндашувларни объективлаштиришга таъсир қилувчи даво-ташхисот жиҳатлар очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аневризматик ўзгаришларнинг чизикли кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўтарилувчи аортанинг чегаравий кенгайиши (40 дан 50 мм гача) бўлган аортал клапан нуқсонларини хирургик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

юқорига кўтарилувчи аортанинг кенгайиши билан аортал клапан нуқсонлари бирга учраганда кўтарилувчи аортани мустаҳкамлашнинг барча мумкин бўлган усуллари ўз ичига олган операцияларни бажаришнинг технологик харитаси ишлаб чиқилган;

асоратлар ривожланиш частотаси ва беморларнинг реанимация бўлимида қолиш давомийлигини камайтириш имконини берган тактик жиҳатларнинг ўзгариши ҳисобига кўтарилувчи аортанинг чегаравий кенгайиши билан аортал клапан нуқсонларини хирургик даволаш натижалари яхшиланган;

қимматбаҳо сарф материалларидан фойдаланишга бўлган кўрсатмаларни камайтириш ҳисобига кўтарилувчи аортанинг кенгайиши билан хамрохликдаги аортал клапан нуқсонларини хирургик даволаш харажатларини қисқартиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, кўшма нуқсонларда аорта илдизининг морфофункционал хусусиятларини аниқлашга, аортал нуқсонлар ва кўтарилувчи аортанинг чегаравий кенгайиши билан оғриган беморларда аниқ хирургик тактикани белгилашга, аортал клапан нуқсони билан биргаликда аорта аневризмасини қайта тиклашда ўлим хавфи юқори бўлган такрорий операцияларга олиб келиши мумкин бўлган асоратларнинг асосий предикторларини аниқлашга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тавсия этилган тактик ва терапевтик ёндашувлар комплекси аортал клапан нуқсонларига хамрох ҳолда кўтарилувчи аортанинг кенгайиши билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини берганлиги, шу билан бирга ишлаб чиқилган алгоритм мониторинг дастури томонидан батафсил қайд этилгани ҳолда операциядан кейинги эрта даврда асоратлар ривожланиши частотаси ва беморларнинг реанимация бўлимида қолиш муддатини камайтиришни таъминлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» эксперт кенгашининг 2023 йил 7 июндаги 2х/7 сон хулосасига кўра («Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ томонидан илмий

янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 07.06.2023й., №483 сонли хат юборилган):

орттирилган юрак нуқсонлари, стеноз, юрак етишмовчилиги билан стенознинг табиий кечиши натижасида 100% ҳолатларда юқорига кўтарилувчи аортанинг кенгайиши содир бўлиши аниқланган. 82% ҳолатларда ушбу кенгайиш ўртача 55 мм гача бўлиши мумкин. Аневризматик ўзгаришлар линияли кўрсаткичларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аортанинг юқорига кўтарилувчи қисмининг чегараланган кенгайиши билан (40 дан 50 мм гача) аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруғи (01.06.2023й.; №484) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аортанинг юқорига кўтарилувчи қисми кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашга ёндашувни индивидуаллаштириш; аортанинг юқорига кўтарилувчи қисмини коррекциялашда асосланмаган радикаллик – кескинликни олдини олишга имкон бериши орқали даво тактикасини оптималлаштириш; яқин ва узоқ давр давомида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ва хатолар сонини кескин камайтириш; асоратларнинг частотасини камайтириш натижасида беморларнинг операциядан олдинги ва кейинги давр реабилитация вақти тезроқ амалга ошади, ҳамда фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтадилар; ушбу касалликка чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: аневризматик ўзгаришлар линияли кўрсаткичларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аортанинг юқорига кўтарилувчи қисмининг ўрта даражадаги кенгайиши билан (40 дан 50 мм гача) кечувчи аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш алгоритми ишлаб чиқилди, натижада беморларда диагностик ва даво тактик хусусиятлари аниқланиб, операциядан олдинги ва кейинги даврлар қисқаришига эришилган. Бунда экзопротезлаш методикасини бажариш учун контрастли МСКТ усулида аорта диаметрларини бир неча сегментларда баҳолаш амалга оширилади, булар: брахиоцефал ўзак қуйилиш қисми; юқорига кўтарилувчан аорта; синотубуляр бирикма; аорта илдизи. Учта проекцияда максимал даражада аниқ ва тўғри ўлчаш учун OsiriX Lite 7.0.4 (SwissQuality DICOM Viewer, Швейцария) дастурий таъминотидан фойдаланилган, асосий вазифа экзопротезлашнинг оптимал ўлчамини аниқлашдир. Бунда мазкур усул ёрдамида ташхислаш учун 638 000 сўм маблағ сарфланса, мазкур патологияли ҳолатлар диагностикаси одатда контрастли МСКТ амалиёти билан бошқа усуллар ёрдамида умумий 1 100 000 сўм маблағ сарфланади. Бунда иқтисод қилинадиган сумма 462 000 сўмни ташкил этади (1 100 000 сўм (Одатда контрастли МСКТ амалиёти билан бошқа усуллар ёрдамида умумий сумма) – 638 000 сўм (Таклиф этилган усул ёрдамида ташхислаш суммаси) = 462 000 сўм). Мазкур таклиф этилган алгоритмни ташхислаш ёрдамида 1 бемор учун 462 000 сўм иқтисод қилинса, йиллик

иктисодий кўрсаткич 4 620 000 сўмни ташкил этди (10 нафар бемор учун) (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ, преискурантига кўра). Йиллик бюджет маблағларидан 3 696 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 924 000 сўм миқдорда иктисод қилинди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аортал нуқсонларни хирургик даволашда, юқорига кўтарилувчан аортани экзопротезлаш” бўйича илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023 й № 483 сонли хат юборилган;

супракоронар протезлаш ва аортал клапанни протезлашдан кейин асоратлар ривожланиш хавфини оширадиган асосий омиллари, беморнинг реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш вақти, операциядан кейин кўшимча интраоперацион муолажаларнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган хавфли асоратлар: инсульт ёки транзитор ишемик хуружнинг ривожланиши даражаси қиёсий таҳлилда аниқланган бўлиб, мазкур патологияли ҳолатларда жарроҳлик амалиёти натижаларини прогнозлаш ва даволаш имконини яхшилайти. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ бўйича буйруғи (01.06.2023й.; №484) билан марказ ва унинг ҳудудий филиаллари бўлимлари амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик амалиёти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган юқори асорат, яъни инсульт ёки транзитор ишемик хуружнинг ривожланиш эҳтимолини олдиндан кўра билиш; олинган маълумотларга кўра салбий ҳодисалар ривожланиши учун хавф гуруҳини аниқлаш; ушбу асоратлар кузатилган беморларнинг ҳаёт тарзига қисқа муддатда қайтариш; беморларда ташхислаш ва жарроҳлик амалиётидан кейинги муддатларини қисқартириш имконини берди. Илмий янгиликнинг иктисодий самарадорлиги: ЭхоКГ ва МСКТ маълумотларига кўра, операциядан кейинги эрта ва узоқ муддатли даврларда деформациянинг мавжуд эмаслиги ва аортанинг интралиминал бурмаларининг шаклланиши тасдиқланган. Экзопротезлаш методикаси анастомозлар бажариш зарур эмаслиги ҳисобига миокард ишемияси вақтини қисқартиришга имкон берди, бу эса операция вақтида кам жароҳатланишга сабаб бўлади. Бунинг натижасида сунъий қон айланишнинг давомийлиги супракоронар протезлаш (СП) + аортал клапан протезлаш (АКП) гуруҳида (назорат гуруҳи) ўртача 152.68 ± 48.87 дақиқани ташкил этади (кўрсаткичлар 124 дан 172 дақиқагача ўзгариб туради), бу экзопротезлаш + АКП гуруҳига қараганда анча кўп, бунда ушбу кўрсаткич гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқ билан ўртача 96.62 ± 32.49 дақиқани (68 дан 120 дақиқагача) ташкил қилади. Шунга кўра, аорта окклюзиясининг давомийлиги (ОА) СП + АКП гуруҳида ўртача 114.33 ± 29.26 дақиқани (94 дан 131 дақиқагача) ташкил этади, бу ҳам экзопротезлаш + аортал клапан протезлаш гуруҳида нисбатан статистик жиҳатдан кўпроқ, бунда ОА - аорта окклюзиясининг давомийлиги ўртача 72.28 ± 24.34 дақиқани (52 дан 91 дақиқагача) ташкил қилади. Булар натижасида беморнинг операция даври қисариши ҳисобига 1 бемор учун ўртача ҳисобда 5 318 400 сўм маблағ иктисод

қилинишга олиб келади, яъни: СП + АКП амалиёти бажарилган гуруҳда операция даврида қилингандиган ўртача умумий харажатлар: 42 457 000 сўм, экзопротезлаш + аортал клапан протезлаш амалиёти бажариладиган гуруҳда ўртача умумий харажатлар: 38 538 000 сўм, (СП + АКП амалиёти бажарилган гуруҳда операция даврида қилингандиган ўртача умумий харажат) 42 457 000 сўм – (экзопротезлаш + аортал клапан протезлаш амалиёти бажариладиган гуруҳда ўртача умумий харажат) 38 538 000 сўм = 3 919 000 сўм (иктисод қилинадиган сумма)), бунда эса йиллик иқтисодий кўрсаткич 39 190 000 сўмни ташкил этди (10 нафар бемор учун). Йиллик бюджет маблағларидан 27 433 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 11 757 000 сўм миқдорда иқтисод қилинди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аортал нуқсонларни хирургик даволашда, юқорига кўтарилувчи аортани экзопротезлаш” бўйича илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023 й № 483 сонли хат юборилган;

кўтарилувчи аортанинг кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсонларида аортанинг юқорига кўтарилган қисмини мустаҳкамлашнинг барча мумкин бўлган усуллари ўз ичига олган операцияларни бажаришнинг технологик картаси ишлаб чиқилган бўлиб, оператив тактик жиҳатларнинг ўзгариши ҳисобига юқорига кўтарилувчи аортанинг ўрта даражадаги кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг натижалари яхшиланди, бу эса асоратлар ривожланиши частотасини камайтириб беш йиллик яшовчанликнинг ортиши ва қайтадан операциялар сонини камайтиришга ва беморларнинг умри давомийлигини ортиши, ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (01.06.2023 й.; № 484) билан марказ клиник амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйдагилардан иборат: тактик жиҳатларнинг ўзгариши ҳисобига кўтарилувчи аортанинг ўрта даражадаги кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсонларини таклиф этилган жарроҳлик йўли даволашнинг консерватив ва бошқа жарроҳлик усулларида қиёсий жиҳатдан самарадорлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қуйдагилардан иборат: супракоронар протезлаш + аортал клапан протезлаш гуруҳи (назорат гуруҳи)даги беморларда 60 ойгача бўлган муддатда қайтадан операция қилишдан халос бўлиш 92% ни ташкил қилади, экзопротезлаш + АКП гуруҳи (текширилувчи гуруҳ)да эса 98,0% ни ташкил этди ($p=0.204$); касалларнинг яшаб кетиш кўрсаткичи эса СП + АКП гуруҳда 84% ни, экзопротезлаш + АКП гуруҳида 96% ни ташкил этиб, текширилувчи гуруҳдан сезиларли даражада паст бўлди. Аорта кўтарилувчи қисми ўрта даража кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсони бўлган беморларда ўлим кўрсаткичлари 16% дан 7 % га (Kaplan-Meier) камайган бўлса, қайта операциядан озод бўлиши 92 % дан 98 % га (Kaplan-Meier) ошди. Агарда юқоридаги таклиф этилган усулда объектив ёндашув асосида аортанинг

юқорига кўтарилувчи қисмининг 50 мм гача ўртача кенгайиши билан аортал клапан нуқсонларини коррекциялашнинг асосий усули қўлланилса: Аорта кенгайиши ўрта даражада бўлган даврда эрта хирургик даво қўллаш натижасида сарф - харажатларнинг камайиши, асосан томир протезини қўллашни истисно этиш натижасида (1 дона протез қиймати 12 000 000 сўм) бир бемордан 12 000 000 сўм иқтисод қилинади. Беморларнинг ушбу категориясида даволашда рационал ёндашув натижасида беморларнинг реанимацияда бўлиш даври 2 марта камайди, бу ўз навбатида реанимация даврини 2 кундан 1 кунгача туширади ва бунда 1 беморда реанимация давридаги қўшимча сарф харажатлари билан бирга 1 113 000 сўм иқтисод қилишга эришилди. (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ преysкурантига кўра 1 кунлик реанимация харажатлари 1 113 000 сўм.). Ушбу амалиёт тўғри бажарилиши ҳисобидан 1 бемор учун иқтисод қилинадиган миқдор 13 113 000 сўмни ташкил этади (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ преysкурантига кўра). (Бунда умумий иқтисодий самарадорлик 1 бемор учун 13 113 000 сўмни ташкил қилди). 1 йилда эса 7 бемор учун 91 791 000 сўм иқтисод қилинади. Йиллик бюджет маблағларидан 73 432 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 18 350 200 сўм миқдорда иқтисод қилинди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аортал нуқсонларни хирургик даволашда, юқорига кўтарилувчи аортани экзопротезлаш” бўйича илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 01.06.2023 й № 483 сонли хат юборилган;

тактик жиҳатларнинг ўзгариши ҳисобига кўтарилувчи аортанинг ўрта даражадаги кенгайиши билан кечувчи аортал клапан нуқсонлари жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари яхшиланади; бу эса ўз навбатида мазкур патологияларда юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ривожланиш частотаси ва беморларнинг реанимация бўлимида қолиш муддатини камайтириш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (01.06.2023 й.; № 484) билан марказ клиник амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аортал клапан нуқсонларини жарроҳлик усули билан даволашда ушбу туркумдаги беморларни оптимал, индивидуал даволашни таъминлаш имконини берувчи такрорланадиган ёндашув усули таклиф этилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган асоратлар олди олинди; беморлар реабилитация вақти қисқарди; ҳаёт фаолияти ўзгарди; меҳнат фаолияти тикланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: операциядан кейинги эрта даврда реанимация кўрсаткичларини таққосланганда қўйидаги маълумотлар олинган. Бунда сунъий нафас бериш (ИВЛ) давомийлиги СП + АКП гуруҳида ўртача 20.58 ± 8.05 соатни (15 дан 23 соатгача) ва экзопротезлаш + АКП гуруҳида 15.7 ± 9.65 соатни (11 дан 18 соатгача) ташкил этган. Шу билан бирга узоқ муддатли сунъий нафас бериш вақтини тез-тез қўллаш зарурати ҳолатлари СП

+ АКП гуруҳга (95%) қараганда экзопротезлаш + АКП гуруҳда камроқ бўлди. СП + АКП гуруҳида узок давр давомида 11% ҳолатда Вальсальва синуси диаметрининг катталашishi аниқланган, бунда экзопротезлаш + АКП гуруҳда ушбу кўрсаткич 0,0% га тенг бўлди. Юқоридаги кўрсаткичлар асосида қўйидаги иқтисодий натижаларга эришилди, бунда: 1 нафар беморнинг шифохондаги даври иқтисодий кўрсаткичи: Беморларнинг ушбу категориясида даволашда рационал ёндашув натижасида беморларнинг реанимацияда бўлиш даври 2 марта камайди, ўз навбатида реанимация даври 2 кундан 1 кунгача тушиб, сарф харажатлардан ҳам қўшимча иқтисод қилишга эришилди. 1 кунлик реанимация харажатлари 1 113 000 сўм (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМнинг преysкурантига кўра). Беморларнинг шифохонада қолиш мудатини ўртача 15 кундан 10 кунга яъни 5 кунга қисқариши натижасида 1 беморга тўланадиган тўлов 1.523.500 сўмга камаяди (“Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМнинг преysкурантига кўра, шифохонада 1 кун қолиш 304.700 сўм.). Ушбу гуруҳдаги беморларни даволашдаги индивидуал рационал ёндашув натижасида одатдаги даволаш тактикасига нисбатан ҳар бир бемордан ўртача 2 636 500 сўм иқтисодий самардорликка эришиш имконини беради. 1 йилда ўртача 10 та бемор учун 26 427 000 сўмни ташкил қилади. Йиллик бюджет маблағларидан 18 498 900 сўм, бюджетдан ташқари маблағлардан эса 7 928 100 сўм миқдорда иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилик эканлиги ва илмий-амалий аҳамияти кўрсатиб ўтилган, иш натижаларини апробация қилиш ва нашр этиш, диссертациянинг қўлами ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Аортал клапан нуқсонлари ва кўтарилувчи аорта аневризмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш**» деб номланган биринчи бобида аортал клапан ва юқорига кўтарилувчи аорта аневризмаси билан оғриган беморларни патогенетик, клиник, диагностик хусусиятлари ва жарроҳлик йўли билан даволаш тактикаси муаммоси бўйича илмий маълумотларни тўлиқ таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, умумлаштириш ва

тизимлаштириш амалга оширилган, ўз ечимни талаб қилаётган долзарб масалалар ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммолар бўйича ҳал қилинмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари**нинг умумий хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида клиник материал ва тадқиқотнинг фойдаланилган усуллари таърифланган. Диссертация ишининг асоси бўлиб, “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий жарроҳлик тиббиёт маркази” Давлат муассасасида (Тошкент шаҳри) 2012 йилдан 2019 йилгача бўлган давр ичида АК нуқсонлари, диаметри 40 дан 50 мм гача бўлган юқорига кўтарилувчи аорта аневризмаси ҳамроҳ касаллиги мавжуд операция қилинган 187 беморни даволаш натижалари хизмат қилади. Тадқиқот дизайни: - PSM усули билан гуруҳни мослаштириш орқали истиқболли рандомизацияланган ва ретроспектив ўрганиш. Биринчи йўналиш – (СП+ПАК) – юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасини линияли протезлаш ва АК ни алмаштириш билан (ЭП+ПАК) биргаликда ўрашни (экзопротезлаш) таққослаш. Иккинчи йўналиш – (ЭП+ПАК ва СП+ПАК) - юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасида жарроҳлик аралашувини аортага аралашувсиз изоляцияланмаган ПАК билан таққослаш.


Клиник назорат нуқталари: бирламчи комбинацияланган нуқта: ўлим ҳолати ва сезиларли юрак-қон томир асоратларини баҳолаш (инсульт, инфаркт, қон кетиши, тромбоз). Иккиламчи нуқталар: юрак етишмовчилигининг функционал туркуми, ҳаёт сифати, қон кетиши, инфаркт, инсульт, такрорий жарроҳлик аралашувларни баҳолаш.

Диссертациянинг учинчи боби **«Аортал клапан нуқсонлари ва кўтарилувчи аорта аневризмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг техник жиҳатлари»** деб номланган бўлиб, унда юқорига кўтарилувчи аорта аневризмаси мавжуд беморларда экзопротезлаш операциялари бажарилиши ва аортани супракоронар протезлаш классик процедурасининг ўзига хос хусусиятлари таърифланган.

Экзопротезлаш (контрастли МСКТ) методикасини бажариш учун аорта диаметрларини бир неча даражаларда баҳолаш амалга оширилади: брахиоцефал ўзак тили; - юқорига кўтарилувчи аорта аневризмаси; синотубуляр бирикма; аорта илдизи. Учта проекцияда максимал даражада аниқ ва тўғри ўлчаш учун OsiriX Lite 7.0.4 (SwissQuality DICOM Viewer, Швейцария) дастурий таъминотидан фойдаланилган, асосий вазифа экзопротезлашнинг оптимал ўлчамини аниқлашдир.

Барча беморларда юракка кириш медиан стернотомия орқали амалга оширилди. Операцияни таъминлаш – сунъий қон айланиши. АИК га уланиш тури (линияли протезлаш ва экзопротезлаш гуруҳларида) – барча беморларда стандартдаги сон артериал канюляцияси қўлланилган. Перикард очилгандан кейин ва кенгайтирилган юқорига кўтарилувчи аорта аневризмаси ажратилгач, уни текшириш бажарилган. Сунъий қон айланиш аппаратини улаш “юрак ўнг бўлмаси - сон артерияси” схемаси бўйича амалга оширилган. Чап қоринча юқори ўнг ўпка венаси орқали дренаж қилинган. Барча

тиклашлар беморни ўзини-ўзи совутиш, бироқ 32°C дан паст бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Кейин Вальсальва синусларидан БЦС даражасигача аортани тотал умумий мобилизация қилиш амалга оширилди. Аорта сиқилишидан кейин ёки аорта илдизи ёки селектив равишда коронар артерияларнинг оғзида антеград фармакохолодик кардиоплегия ўтказилади. Аортанинг олд деворларида АКга кириш учун кўндаланг кесма амалга оширилган. Биринчи босқичда АК ни текшириш амалга оширилган. Агар ФКга ўтадиган АК кальцинози мавжуд бўлса, декальцинация бажарилган, табақалар кесилади. Бундан ташқари, махсус ўлчагичлар ёрдамида ФК айланасини ўлчаш амалга оширилади. Сунъий АК тефлон прокладкалар – қистирмаларга II – кўринишидаги чокларда 2/0 «Этибонд» протезланган. АКга кириш икки қаторли ўралган чок билан зичланган (пролен 4/0). «Экзопротез» сифатида қон томир синтетик протезидан фойдаланилган (POLYTHESE, Франция). Коронар артериялар деформациясининг олдини олиш ва уни юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасига яхшироқ мослаштириш учун қон томир протези «капалак» шаклида кесилган. Экзопротезнинг яхлитлиги БЦС оғзи даражасига қадар узлуксиз ўралган Этибонд 2/0 томонидан тикланган (1-расм).




1-расм. Аортал клапани протезлаш ва - юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасини «экзопротезлаш» босқичи

Кўтарилувчи аортани супракоронар протезлашнинг жарроҳлик жиҳатлари (2-расм). DeBakey томонидан таклиф қилинган супракоронар протезлаш методикасидан фойдаланилган. ПАК ва ВоА ни супракоронар протезлашни бажаришда ҳаракатлар кетма-кетлиги экзопротезлашдан фарқ қилмайди. Аортотомиядан кейин, биринчи қилган ишлари АКни текширишни бажардилар. АК эшикларини кесиб ташладилар. Кейин аневризмэктомияни синотубуляр тепаликдан 10 мм баландликда, юқорига кўтарилувчи аорта бўғимининг дистал қисмигача, аортал қисқичдан 1 см узоқликда амалга оширилган. Кейинги босқичда АКни протезлаш амалга оширилган. Дистал анастомоз «Polythese» томир протези билан «пролен» 4/0 ип орқали узлуксиз бурама чок ёрдамида шакллантирилган. Проксимал анастомоз шаклланишининг айрим ҳоллари II- шаклидаги чоклар ёрдамида тефлон прокладкалар – қистирмалар орқали амалга оширилади. Затем обвивным швом

ЭхоКГ ва МССТ маълумотларига кўра, операциядан кейинги эрта ва узок муддатли даврларда деформациянинг мавжуд эмаслиги ва аортанинг интралиминал бурмаларининг шаклланиши тасдиқланган. Экзопротезлаш методикаси анастомозлар бажариш зарурлиги ҳисобига миокард ишемияси вақтини қисқартиришга имкон беради, бу эса операция вақтида кам жароҳатланишга сабаб бўлади.

Юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасининг диаметри 45 мм дан ошган ҳолатларда МСКТ ва ангиография диагностикаси кўрсатилган. Агар МСКТ

ангиография маълумотлари юқорига кўтарилувчи аорта аневризмасининг диаметри 50 мм гача ошганлигини кўрсатса, у ҳолда ПАК бажарилади, агар 55 мм дан ошса, экзопротезлаш ёки супракоронар протезлашни қўллаш билан ПАК аорта коррекциясини жарроҳлик йўли тўлдириш керак.



3-расм. Аортал клапан нуқсонлари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан бошқариш алгоритми

Тўртинчи бобда «Кўтарилувчи аортани линияли протезлаш ва экзопротезлашни аортал клапанни алмаштириш билан қўшиб олиб борилгандаги натижаларнинг қиёсий таҳлили» ишлаб чиқилган. Вальсальва синуслари диаметрининг ўртача қиймати СП+ПАК (34 дан 39.5 мм гача) гуруҳида 37.92 ± 6.02 мм га ва ЭП+ПАК (36 дан 40 мм гача) гуруҳида 38.16 ± 3.28 мм га тенг, гуруҳлар ўртасида статистик фарқлар мавжуд эмас (95% ДИ 1 [-1; 4]; $p=0.177$). ЭП+ПАК гуруҳида нинг ўртача диаметри 45.94 ± 3.28 мм (44 дан 48 мм гача) тенг, СП+ПАК гуруҳида эса – 46.92 ± 1.69 мм (45 дан 48 гача), шунингдек, гуруҳлараро фарқ сезилмайди (95% ДИ -1 [-2; 0]; $p=0.058$).

Сунъий қон айланишнинг давомийлиги (ИК) СП+ПАК гуруҳида ўртача 152.68 ± 48.87 дақиқани ташкил этади (кўрсаткичлар 124 дан 172 дақиқагача ўзгариб туради), бу ЭП+ПАК гуруҳига қараганда анча кўп, бунда ушбу кўрсаткич гуруҳлар ўртасидаги статистик фарқ билан (95% ДИ -53 [-64; -41]; $p<0.001$) ўртача 96.62 ± 32.49 дақиқани (68 дан 120 дақиқагача) ташкил қилади.

Шунга кўра, аорта окклюзиясининг давомийлиги (ОА) СП+ПАК гуруҳда ўртача 114.33 ± 29.26 дақиқани (94 дан 131 дақиқача) ташкил этади, бу ҳам ЭП+ПАК гуруҳга нисбатан статистик жиҳатдан кўпроқ (95 ДИ -42 [-52; -32]; $p < 0.001$), бунда ОА - аорта окклюзиясининг давомийлиги ўртача 72.28 ± 24.34 дақиқани (52 дан 91 дақиқача) ташкил қилади.

Операциядан кейинги эрта даврда реанимация кўрсаткичларини таққослашда қуйидаги маълумотлар олинган. Шундай қилиб, ўпкани сунъий шамоллатиш (ИВЛ) давомийлиги СП+ПАК гуруҳида ўртача 20.58 ± 8.05 соатни (15 дан 23 соатгача) ва ЭП+ПАК гуруҳида 15.7 ± 9.65 соатни (11 дан 18 соатгача) ташкил этган, бу статистик жиҳатдан сезиларли фарқдан камроқ эди (95% ДИ -5 [-8; -3]; $p < 0.001$). Шу билан бирга узок муддатли ИВЛ ни тез-тез қўллаш зарурати ҳолатлари СП+ПАК гуруҳга қараганда ЭП+ПАК гуруҳда камроқ эди (20% - 55% га қарши ; 95% ДИ 0.2 [0.1; 0.6]; $p < 0.001$).

Жарроҳлик усули билан даволашдан кейин 12 ой ўтгач, беморларни ўрганиш натижаларига кўра статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар қайд этилди. Шундай қилиб, ЭП+ПАК гуруҳда диаметрининг ўлчамлари (31.56 ± 1.36 мм; 30 дан 32 мм гача) эканлиги, бу эса СП+ПАК гуруҳга нисбатан (34.49 ± 1.07 мм; 32 дан 36 мм гача) етарли даражада камроқ эканлиги (95% ДИ -1 [-2; 0]; $p = 0.001$) қайд этилди.

СП+ПАК гуруҳида узок давр давомида 11% ҳолатда (37 нафар текширилган бемордан 4 тасида) Вальсальва синуси диаметрининг катталашishi аниқланган, бунда ЭП+ПАК гуруҳда ушбу кўрсаткич 0,0% га тенг эди ($p = 0.030$; тадқиқот гуруҳига киритилган барча 50 бемор узок масофадан текширилди).

СП+ПАК гуруҳда оқибати ўлим билан тугаган ҳолатлар 15% (40 нафар бемордан 6 таси), бу эса ЭП+ПАК – 4% (50 тадан 2 ҳолат) гуруҳга қараганда кўпроқ эди (95% ДИ 0.2 [0; 1.4]; $p = 0.132$) (6-расм). Шунингдек, қайтадан операция қилиш тезлиги СП+ПАК гуруҳда ЭП+ПАК – 8% (40 тадан 3 таси) кўпроқ эди, 2% қарши (5 тадан 1 та) (95% ДИ 0.3 [0; 3.3]; $p = 0.319$).

1 Жадвал

ЭхоКГ линияли кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

	СП+ПАК (N=40)	ЭП+ПАК N=50	95% ДИ	p
Операциядан олдин				
Фиброз. ҳалқаси диаметри, мм	24.32 ± 3.49	23.92 ± 2.51	0 [-1; 1]	0.892
диаметри, мм	46.92 ± 1.69	45.94 ± 3.28	-1 [-2; 0]	0.058
Вальсальва синуслари диаметри, мм	37.92 ± 6.02	38.16 ± 3.28	1 [-1; 4]	0.177
Операциядан кейин				
АК градиенти, мм сим. уст.	19.82 ± 3.86	17.94 ± 2.51	-2 [-3; 0]	0.020
диаметри, мм	32.9 ± 1.01	31.56 ± 1.36	NA NA	NA
Вальсальва синуслари диаметри, мм	36.95 ± 5.89	37.1 ± 2.28	2 [0; 3]	0.058

Операциядан кейин 12 ой ўтгач				
диаметри, мм	34.49±1.07	31.56±1.36	-1 [-2; 0]	0.001
Вальсальва синуслари диаметри, мм	38.08±5.82	32.58±3.93	-4 [-7; -2]	<0.001

Тўлиқ ва оптимал кўп факторли моделда қайтадан операция қилиш предикторларининг икки мультипликатив коварианти аниқланган: АК учун градиент (ОШ=1.76 [1.11; 4.71], $p=0.115$), интраоператив равишда қўшимча процедураларни бажариш (ОШ=35.34 [0.76; 41020.48], $p=0.161$).

Логистик регрессияларнинг тўлиқ кўп факторли модели тузилишида СП+ПАК гуруҳда ўлим ҳолати предиктори сифатида Вальсальва синуси диаметри (ОШ=1.45 [1.18; 2.17], $p=0.009$) аниқланган, оптимал кўп факторли моделда эса ушбу предиктор қуйидагига эга бўлади ОШ=1.51 [1.21; 2.26], $p=0.005$.

СП+ПАК гуруҳидаги беморларда 60 ойгача бўлган муддатда қайтадан операция қилишдан халос бўлиш 98,0% ли ЭП+ПАК гуруҳга нисбатан 92% ни ташкил қилади, бунда гуруҳлараро сезиларли фарқлар кузатилмаган ($p=0.204$). Максимал кузатув муддати 48 ойни ташкил этади.

СП+ПАК ва ЭП+ПАК гуруҳлари ўртасида қайтадан операция қилишдан 5 йиллик халос бўлиш тегишли равишда – 92,0% ва 98,0% ни ташкил этади ($p=0.204$), касалларнинг яшаб кетиш кўрсаткичи эса СП+ПАК гуруҳда 96% ли ЭП+ПАК гуруҳга қарши сезиларли даражада паст бўлиб, 84% ни ташкил қилади ($p=0.053$).

«Кўтарилиувчи аортада аортал клапанни протезлаш ва аортал клапанни изоляцияланган протезлашда жарроҳлик аралашувлари натижаларининг қиёсий таҳлили» деб номланган тўртинчи бобда да (ЭП+ПАК ва СП+ПАК) аортага аралашмасдан изоляцияланган ПАК билан жарроҳлик аралашуви натижаларининг қиёсий ретроспектив таҳлили акс эттирилган.

